

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети
Ўзбекистон Республикаси «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши
ЎЗМУ Фалсафий тадқиқотлар ўқув-илмий комплекси
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ёш олимлар кенгаши

XXI АСР – ИННОВАЦИОН-ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ҒОЯЛАР АСРИ

Республика илмий-амалий семинар

материаллари

2012 йил 19 ноябрь



Труды

республиканского научно-практического семинара

XXI ВЕК – ВЕК ИННОВАЦИОННО-ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНЫХ ИДЕЙ

19 ноября 2012 года

Ўзбекистон Миллий университети
Тошкент – 2012

МУНДАРИЖА

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ВА ТЕХНИКА ФАНЛАРИ	
Географик карашларни даврлаштриш тажрибаси. А.Н.Нигматов, А.Б.Расулов	3
Кристалл полимерларда молекуляр силжишлар ва структуравий ўзгаришлар. А.А.Раҳмонқулов	6
О метрологической инфраструктуры качества. П.Р.Исматуллаев, Ш.А.Тураев	7
Закон повторного логарифма для мартингалов. М.Гуломова	12
Численно-аналитический метод решения для некоторый краевых задач с импульсным воздействием. О.О.Курбанбаев, Г.П.Аймурзаева	13
Такрибий интеграллаш усулларининг тахлили. Ф.М.Зокиров, З.Г.Саъдиллаев, Ш.Ш.Содиқов	16
Баъзи иктисодий масалалар ечимида ҳосиланинг тадбири. Н.Т.Рўзматова, Ш.Ш.Содиқов, А.А.Хатамқулов	18
Математика фанининг фалсафий талқини. Ҳ.З.Икромова	20
ТАБИЙ ФАНЛАР	
Мис ацетат сирка кислотасининг моноэтанол аммонийли тузи билан карбамид аммонийли селитра таъсирини ўрганиш. Б.С.Закиров, А.Х.Нарходжаев, С.Ҳ.Азимов	24
Влияние структуры органических и олигомерных соединений на их ингибирующие свойства. Н.Б.Эшмаматова, А.Ж. Холиков, Х.И.Акбаров, Ш.Раббимкулова	25
Қорақўл тумани сугорма дехкончиликдаги айрим геоэкологик муаммолар. А.Б.Расулов	28
Ўзада тола пишқиклик даражасини маркерларга асосланган селекция (мас) технологияси бўйича амалга ошириш. М.М.Дармонов, А.Х.Макамов, Ф.Н.Кушанов, Ш.Э.Шерматов, З.Т.Буриев, И.Ю.Абдурахмонов	30
Молекулярно-генетическая характеристика видов fusarium. Ш.Эгамбердиев, Д.Закирова, Ф.Ражабов	31
Ацетилен кимёсида янги синтетик усулларнинг самарадорлигини ошириш йўллари. Д.Х.Мирхамитова, С.Э.Нурмонов, У.А.Абдуллаев, С.Мирзаева	31
Естественный способ повышения эффективности использования водных ресурсов и оздоровления экосистемы. А.Маманов	34
Синтез оксима циклогексанона М.Ю.Мусурмонова, Х.С.Таджимухамедов, У.Ч.Ахмедов	37
Биологларга экология фанидан «Инсон ҳаётининг давомли вариантларини моделлаштириш» мавзусини педагогик технологиялар асосида ўқитиш тажрибаси. Ф.Эшбоев	39
Исследование взаимодействия уксуснокислого моноэтаноламмония моногидрата ацетата меди с нитратом аммония и карбамида. С.Х.Азимов, А.Х.Нарходжаев, Б.С.Закиров	42
Марказий Осиёда минтақавий экологик муносабат қондаларига риоя этиш тартиби. Ф.Эшбоев, Д.Ғуломжонов	42
ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАР	
ФАЛСАФА	
Мустаҳкам оила ва интеллектуал ёшлар истикболи – инновацион иктисодий билимларни эгаллашга асосланади. С.С.Гулямов	46
Маънавий мукамаллик – қишлоқ тараққиёти ва фаровонлигининг муҳим омилли. Х.А.Шайхова	48
Фитратнинг “Нажот йўли” (рахбари нажот) асарида маънавий-ахлоқий кадриятлар талқини. Ҳ.Алиқулов	50
Таълим орқали замон билан ҳамкадам бўлиш – давр талабидир. Э.С.Султонова	53

каж-правонарушителер, Ю.С.Пулатов, А.Р.Пайзиев	177
ПЕДАГОГИКА ВА ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ	
Информационные технологии обучения при чтении спецкурса «история Ташкента». Н.А.Савицкая	180
Олимларнинг услуб ҳақидаги қарашлари. Н.Э.Элчибеков	181
Таълим соҳасидаги ислохотларнинг ижтимоий вазифалари. Г.Кутимова	183
Информатика дарсларида ўйинли технологиялар. Н.С.Хайтуллаева	184
Маъмурий-ҳуқуқий билим ва кўникмаларни шакллантиришда инновацион таълим технологиялари. К.К.Ҳакимқулов	186
Шахс интеллект шаклланишининг назарий таҳлили. М.Ю.Бабанизова	187
Ўқитувчилик касбининг ўзига хос хусусиятлари. Д.А.Уразбаева	188
Математика дарсларида янги педагогик технологиялардан фойдаланиш. К.Джакаева	189
Лаборатория машғулотларида янги педагогик технологиялардан фойдаланишнинг айрим жиҳатлари. Р.С.Ворисова	191
Олий ҳарбий ўқув муассасарида ёш ўқитувчиларнинг педагогик фаолиятидаги айрим муаммолар. М. Каримова	193
ПСИХОЛОГИЯ	
Психологические особенности адаптации личности с поражением опорно-двигательного аппарата в спорте. Е.А.Зотова	195
Психологияда гендер муаммосининг ўрганилиши. Н.Ж.Сагиндикова	197
Кичик мактаб ёши ўқувчиларнинг ҳиссий-иродавий хусусиятлари. Г.Зиявитдинова ...	198
ФИЛОЛОГИЯ ВА АДАБИЁТШУНОСЛИК	
Матни синтактик таҳлил қилиш хусусида. Н.Абдурахмонова	200
Мутриб Хонахаробий лирикасининг ўзига хослиги. Д.Жумаева	201
Исажон Султон романлари бадий хусусида. З.Раҳмонова	203
Муболага ва жонлантиришда иштирок этган сўзлар таснифи. Л.Сағатова	204
Эркин Воҳидовнинг “Рухлар исёни” достонининг композицион хусусиятлари. Д.Бахриддинова	206
Миллий менталитет ва бадий англаш. М.Исмоилова	207
Гапларда коммуникация ва прагматика муносабати. М.Ҳўжамқулова	210
Ихом ва истиора санъатида сўз маъносининг қиёсий таҳлили. Л.Сағатова	211
Крутой детектив как разновидность детективного жанра. Л.Х.Хасанов	213
Ўзбек тили тарихини ўрганишда туркий руник ёдгорликларининг аҳамияти. Э.Э.Асанов	214
Гендер тилшунослигининг Ўзбекистонда ривожланиши. М.Исаева	217
Муқимий ижодини ўрганиш муаммолари. Қ.Пардаев	218
Соҳибқирон сийратига бир назар. И.Сайитқулов	219
Муҳсиний лирикасида ишк-муҳаббат талқини. Ф.Тўхтамуратов	220
Тадқик эҳтиёжи: ҳамза шеърини мисолида. Ш.Амонов	222
Тошкент воҳасида илк ўрта аср қовунчи маданиятининг тили хусусида мулоҳазалар. О.Иномов	223
Нутқи тўлиқ ривожланмаган болалар нутқининг грамматик томонини шаклланиш хусусиятлари. М.Ю.Аюпова, Ш.Д.Арипова	224
Народное творчество как часть мировой цивилизации. Н.М.Салахидинова	226
Навоий оламига бир назар. Р.Ҳябохунова	227
Тоҳир Малик қиссаларининг сюжет табиати. С.Расулова	228
Умар Ҳайём – буюк қомусий олим ва демократ шоир. Р.С.Ворисова, А.Гаппаров	230
ЖУРНАЛИСТИКА	
Медиаметрия как эффективный инструмент изучения аудитории печатных СМИ. С.С.Шорасулов	232
Ойнаи жаҳоннинг тараккиёт ўзаги. Ш.Абдурахмонова	233

“Хиротни кўргон билан ўраб олмоқчи эмишсен! Мен кўргон атрофидаги чоғга тупрок солдириб текислатган эдим. Уни кайтадан қаздириб, сув тўлдирмоқчи бўлибсен!

Ҳазрат отажон, ёзларда афғон шамоли Хиротга мудом чағи тўзон келтираркан, кўз очирмай кўяркан. Кўргон билан сув ана шу чағи-тўзонга қарши бир чора!

Ҳеравийга ўхшаганлар бу баҳона билан сени чалғитган. Аҳмад Тусий уларни сўрок қилиб, айбларини бўйинларига кўймишдир. Бир гуруҳ фитначилар Хиротни биздан ажратиб олиш учун атрофига чоғ қаздириб, кўргон кўтармоқчи экан. Сен ёшлик қилиб, уларнинг гапига ишониб ўлтирибсен!”. Адиб бу диалог орқали Амир Темурнинг оталик ва ҳукмдорлик вазифаларини бир пайтда тўкнаштиради.

Юқорида келтирилган парчада Пиримқул Қодиров Амир Темурнинг “Шоҳрух таъсири кучайиб кетишидан хавфсираб, уни тергаганлиги гўзал тасвирланган”. Яъни, адиб Соҳибқиронни оддий бир инсон, инсонларга хос камчиликларга эга табиат фарзанди сифатида тасвирлайди. Амир Темурнинг адолатли бошқаруви, шонли юришлари, саркардалик қобилияти, маданият хомийси, бунёдкорлик ва шу каби улугвор хислатлари мустақилликдан сўнгги адабиётимизда баралла қуйланапти. Тан олиб айтишимиз керакки, Соҳибқироннинг “хом сут эмган” банда сифатидаги тасвирлари кам тилга олина бошланди. Юқорида ва қуйида келтирилган иқтибосларда Пиримқул Қодиров Амир Темурни ўқувчиларга буюк ишларни амалга оширган қаҳрамон эмас, оддий бир инсон сифатида таништиради: “Етти йиллик урушдан сўнг лоақал бирор йил дам олмасдан беш ой ўтар-ўтмас яна Хитойга юриш бошлаш эл-улусга ҳам, хусусан соғлиғини анча олдириб қўйган Соҳибқироннинг ўзига ҳам жуда оғир тушишини Шоҳрух Мирзо ич-ичидан сезар, лекин отасини бу ниятдан қайтаришга кучи етмас, фақат дардини Гавҳаршод бегимга айтарди:

–Отам анча касалманд. Ёши етмишга яқинлашди. Шу ахволда Хитойдай улкан мамлакатга юриш қилиш...хушомадгўйлар у кишига: “Ҳали ҳам баҳодир йигитдайсиз, Хитой юришидан яна бир оламшумул галаба билан қайтишингиз аниқ!” дермишлар...Мен отамга тўй пайтида ётиғи билан айтдим. “Ҳазратим, бирор йил дам олсангиз яхши бўлармиди?” деб кўрдим. Гапим ёқмади. «Чарчаган бўлсанг, майли, сен дам ол, Хитойга мен ўзим қўшин тортаман!» дедилар. Не қилай? Менинг бу урушга тарафдор эмаслигимни отамга хуфялар ҳам етказган бўлса керак. Хитой юришидан олдинги машваратга мени таклиф қилмадилар. Шундан сездимки, хушомадгўйлар билан ҳовлиқма бекларнинг сўзи ўтган, бизники ўтмаган. Соҳибқиронни юзма-юз олишувда енга олмаган ганимлар энди беҳисоб мактову мадҳиялар билан уни борса-келмас ҳарбий юришнинг гирдобига тортмоқчиларми?Билмадим...». Гувоҳи бўлганимиздек, адиб Соҳибқиронни ўгли билан айрим зиддиятли вазиятларга солади. Ота-ўғил муносабатлари орқали эса Амир Темурнинг бизга таниш бўлмаган сийратини очишга интилади.

Умуман олганда, “Она лочин видоси” романида Амир Темур образи бир-икки ўринда гавдаланади. Шундай бўлсада асар қаҳрамонларининг Соҳибқирон номи, шаъни олдидаги масъулиятни ҳис қилиб, ҳаракат қилишини кузатиш мумкин. Адибнинг маҳорати шундаки, асар Шоҳрух Мирзо ва Гавҳаршод бегим сиймоларини ёритишга бағишланган бўлса-да, уларнинг ҳар бир ҳаракати Амир Темур сийратини бизга яққол намоён қилади.

МУҲСИНИЙ ЛИРИКАСИДА ИШҚ-МУҲАББАТ ТАЛҚИНИ

Ф. Тўхтамуратов –ЎзМУ тадқиқотчиси.

XIX аср охири XX аср бошларида Кўқонда яшаб ижод қилган шоирлар орасида Ҳусайнқули Муҳсиний серкирра ижоди билан ажралиб туради. Муҳсиний шоир, таржимон, ҳаттот сифатида ўзидан катта бадий мерос қолдирган. Шоир сифатида эҳтиромга лойиқ бўлиб, лирик асарлари “Барҳаёт гулшан” девонида жамланган. Унинг илоҳий ва дунёвий ишқ, диний, ижтимоий, маънавий-маърифий мавзулардаги лирикаси гоёвий-баддий мукаммалиги билан ажралиб туради.

Шоир газалларида ишқ-муҳаббат, дўстлик, вафодорлик, садоқат, қабл гоёлар билан уйғун ҳолда ифодаланган. Шеърларида реал ҳаёт тасвири, пок ва бегубор севги тараннум этилади. Шу сабабли шоир лирикасида дунёвий ишққа йўгирилган газаллар оҳорли сатрларда ифодаланган.

Шоир тараннум этган маъшуқа кўриниши ниҳоятда гўзал бўлиш билан бирга ошиққа безътибор, ситамгар ва ўзининг нози ишвалари билан унинг қалбига озор беради.

*Айланг сахни чаманда жилваи нозу хиром,
Дашт аро олди ўзин товус рафторинг кўриб.*

Дарҳақиқат, товус ўзининг гўзаллиги билан кишини хайратга солади, аммо ошиқнинг маҳбубаси унданда гўзалки, товус унинг чиройи олдида ўзининг хунуқлигини сезиб дашт томонга қочади дея муболағали тасвирлайди. Бу билан ошиқ машуқасининг гўзалликда тенги йўқлигини таъкидламоқда. Мумтоз лирикада ёр гўзаллигини шу каби тасвирлаш анъанавий усул ҳисобланган. Бу жиҳатдан манбу байт эътиборли: *“Жона еттим хажр аро дарду гами ҳижрон чекуб, Бир тараҳҳум этмадинг дилхаста беморинг кўриб.*

Шуниси характерлики, ошиқни мафтун этган маъшуқа даставвал ўз ҳусни билан оламга чирой бахш этгудек “барно”, “юзи қирмизи гул”, “лаъли лаби қанди шароб”, “кўзи нарғис”, “қомати сарв”, “киприги новак”, “сўзлари шаҳду шакардан азиз”, “сочи сунбул”, “гул юз”, “лаби гунча”, “нозик ниҳол”, деб сифатланади. Бунда шоир унинг мадҳига бутун қалб ҳарорати билан фикр ҳаёлида жилваланувчи барча эзгу каломини бахш этади. Аксинча, ёр ҳуснининг хар аъзоси: кўз ва қош, лаб ва ёноқ, соч ва юзи қанча гўзал бўлмасин у ошиққа ҳиммат қилмай, ғам-аламга мубтало қилиб, ҳажр азобига гирифтор қилади.

*Эй юзи қирмизи гул, лаъли лаби қанди шароб,
Арақи орази беморина тадбира гулоб,*

*Кўрди савдоий муҳаббат- ла паришон кўнглим,
Бўйнима солди сочи ҳалқасидин банди таноб.*

Шоир муҳаббат мавзуида шу каби фикрлари орқали севги муқаддас туйғу, инсон пок муҳаббати билан гўзалдир деган хулосага келади.

Шоир шеърятда лирик қаҳрамон образи биринчи планда туради. Бу ҳол аксар ҳолларда ошиқ образи ва шоир шахсиятига хос жиҳатларнинг уйғунлашганлигини кўрсатади. Ана шундай ғазалларида гоҳида севувчи ошиқ давр ва даврон гирдобига тушиб кийналувчи, муродиға етишишдан хийла узоқда турган, бироқ унга умид қилиб, сабот билан интилаётган, шоир қиёфасини гавдалантиради:

*Ўлар ҳолатга еттим, сўрмади бу хаста аҳволим,
Тагофулпеша, золим, пуржафо, мастона ёрим бор.*

*Ўша гунчадаҳон ёдида қонга тўлди бу кўнглум,
Дилим хунобасидан ашки чашми лозорим бор.*

Ҳижрон азобида қолган ошиқнинг аҳволи ўлар ҳолатга етсада бевафо ситамгар маъшуқа унинг ҳолига бепарво ёридан шикоят қилади. Бу жафокаш гунчадаҳанни ўйлаб, ошиқ дили қонга ботган. Кейинги мисраларда ошиқ ҳолати янада ёрқин сатрлар билан ифодаланаган. Дили қон бўлган ошиқ кўзидан оққан ёшлар селидан лоззор пайдо бўлган. Бу муболағали тасвир ошиқ муҳаббатининг кучлилигини кўрсатади.

Камина Муҳсиний юз новаки хажрида гирёндуру,

Демайдур бир заъифу нотавону дилафзорим бор.

Сўнги байтда ошиқ ёри ҳажрида атрофида гирён бўлиб кетолмаслигини, аммо жафокаш маъшуқа унинг борлигига ҳам эътибор қилмаслигидан шикоят қилади. Бу маҳзун оҳангларда ёр ва замондан озор чеккан шоир кўнгил оламининг туғёнлари баён қилинган.

Ғазалларида юксак гўзалликларга эга сифатида қуйланган ёр кўпчилик ҳолатларда ўз ташки малоҳатига зид тарзда бевафо ва ситамкор, ошиқни ҳижрон азобида қийновчи тарзида тасвирланади. Шоир романтизми билан реал турмиш орасида ботинан тўқнашув, зиддият этади. Биз маъшуқа тасвирида унинг гўзал хулқига номувофик тарзда бевафолик деганимизда ҳам, асосан, ана шуларни кўзда тутамиз. Мазкур байтлар юқоридаги фикрларга мисол бўлади:

Менга ёримни иши жавру жафо, озордур,

Ҳусн элини наздида ошиқлар кўп хордур.

Ул кўзи жаллод қоним тўккали раҳм айламас,

*Қирмизи камзур ила ҳам кўнглоки гулнордур.
Тобакай жавру жафо тортар қулинг, бераҳм ёр.
Кўнгил олмоқ фикрин эт андин бўлак бекордур.
Мухсинийнинг чеҳраи зардига қулманг, дўстлар.
Ким, анинг маҳзун дилида гуссаси бисёрдур.*

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, Хусайнкули Мухсиний лирикасида ишқ-муҳаббат мавзуси ташбех ва сифатлар билан гўзал оҳорли сатрларда ифодаланган. Шоир ўзидан олдин ижод қилган салафлари изидан бориб, улар анъаналарини давом этириш баробарида ўзи ҳам бадий гўзал шеърлар яратган. Мухсиний шеърларида инсон пок муҳаббати ва севгисн орқали юксак эхтиромга лойиқлиги ўзига хос тарзда куйланган.

Адабиётлар рўйхати:

*Девон. Мухсиний. Барҳаёт гулшан. -Фаргона: Фаргона, 2008.
Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. -Тошкент: Ўзбекистон, 2002.
Жабборов Н. Маърифат надур? -Тошкент: Маънавият, 2010.*

ТАДҚИҚ ЭҲТИЁЖИ: ҲАМЗА ШЕЪРИЯТИ МИСОЛИДА

Ш.Н.Амонов – фил.ф.н., ЎзМУ Ўзбек филологияси факультети ўқитувчиси

Ҳамза ижодий меросини тадқиқ қилишда *ижодкор асарларининг ўзбек миллий уйғониш адабиёти руҳига ва миллий истиқлол гоёсига мувофиқлигини белгилаш тамойили* асосидаги илмий текширув хулосаларнинг ҳаққонийлигини, назарий жиҳатдан асосли бўлишини таъминлайди. Ваҳоланки, шу пайтгача яратилган тадқиқотларда кўпинча бунинг зиддини далиллашга ҳаракат қилинган. Биргина мисол, таниқли тилшунос Фаҳри Камол шоир лирикасининг бадиятига баҳо берар экан: “Ғоявий жиҳатдан ўткир, бадий жиҳатдан гўзал ва юксак асарга мос келадиган янги бадий формани излаб топиш йўлида улуг рус халқининг илгор маданияти ва рус миллий тили Ҳамзага кучли таъсир қилди.” каби фикрларни билдиради. Таассуфки, шўролар замонида бундай ёндашув Ҳамза лирикаси таҳлилига оид аксарият тадқиқотларнинг етакчи хусусиятига айланди.

Шубҳасиз, Муқимий, Фурқат ва Завкий шеърларида халқнинг орзу-армонлари, интилишлари акс этган. Миллат илм-маърифатга тарғиб қилинган. Зеро, улар илмни, маърифатни миллатни жаҳолатдан қутқарадиган ягона восита деб билган. Ўз навбатида, Ҳамза шеъриятида юкорида тилга олинган шоирлар каби маърифатпарварлик гоёлари билан бирга миллий уйғониш руҳияти ҳам устуворлик қилади. Шоирнинг бу мавзудаги шеърларида акс этган асосий гоёлардан бири миллатни уйғотиш масаласи эди. Зеро, бу давр адабий тафаккурида жадидчилик руҳи етакчилик қилган.

Ҳамза бошқа жадид мутафаккирлари сингари миллатни ғафлат ва жаҳолат уйқусидан уйғотишни мақсад-матлаб деб билди, халқни басоратга - дунёга очиқ кўз билан қарашга даъват этди. Жаҳонга тўлган илм ила маорифдан баҳра олишга чақирди. Мухими, у илму маориф гоёсини фақат шеърларида тарғиб қилиш билангина чекланган эмас. Амалда ҳам ўша даврнинг етакчи зиёлилари, жадидлари сафида миллат ёшларини маърифатли қилиш учун янги мактаблар очди. Бу мактаблар учун “Енгил адабиёт”, “Ўқиш китоби”, “Қироат китоби” сингари дарсликлар ёзди. Янги усул мактаблари, дору-л-айтомлар очиб, ана шу дарсликлар орқали миллат ёшларига илм берди, маърифат тарқатди. Бу эса, унинг шеърларида акс этган миллий уйғониш, маърифатпарварлик гоёлари амалий фаолияти билан узвий кечганини кўрсатади.

Ҳамза Ватан ва миллат тараққиёти учун курашди, назмий асарларида она юрт озодлиги ҳамда келажакнинг тараннум этди. Профессор О. Шарафиддиновнинг “Истибод қурбони ёхуд ўзлигидан маҳрум этилган шоир” мақоласида таъкидланганидек, шоир шеъриятидаги ижтимоий мазмун шўро давридаги адабиётшунослар назарда тутган Октябрь инқилобини куйлаш эмас, балки ўз халқининг орзу-армонлари ва муаммоларини акс эттиришдан иборат бўлган. Озод Шарафиддинов Ҳамза шахсияти ва ижоди борасидаги қарашларида унинг жадид адиблари